

"МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ" ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Вахобов Мансур Туйчиевич, СамДВМЧБУ "Ижтимоий-гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт" кафедраси катта ўқитувчиси

СОДЕРЖАНИЕ ПОНЯТИЯ

«ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ПРОПАГАНДА»

Вахобов Мансур Туйчиевич, СамДВМЧБУ «Социально-гуманитарные науки», старший преподаватель кафедры физической культуры и спорта

THE CONTENT AND ESSENCE OF THE CONCEPT OF "EDUCATIONAL PROMOTION"

Vakhabov Mansur Tuychievich,

Senior teacher of the department of "Social and humanitarian sciences, Physical culture and sports" of Samdzhonikidze State University of Physical Education and Sports.



vaxobovaferuza@gmail.com,

+998907461121

<https://orcid.org/0000-0002-0010-9220>

Аннотация: Ушбу мақолада маънавиятишунослик фанимизда шу пайтгача илмий муомалага киритилмаган «маърифий тарғибот» тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи, моҳияти ва мазмуни, тарғибот ва таърифотнинг бошқа турлари билан боғлиқлиги, жамият ҳаётидаги аҳамияти ёритилган. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг маънавият соҳасига алоқадор мақсадларини амалга оширишида маърифий тарғиботнинг долзарблиги ва зарурати асосланган.

Калим сўзлар: маърифат, маърифатли жамият, концепция, янги Ўзбекистон, моддий ва маънавий, объектив ва субъектив, тараққиёт стратегияси, тарғибот, маърифий тарғибот, моҳият, табиат, жамият, инсон.

Аннотация: В данной статье рассматривается концепция "просветительской агитации", которая до настоящего времени не была введена в научный оборот в области науки о духовности. Описываются её определение и характеристика, сущность и содержание, связь с другими видами агитации и пропаганды, а также значение для жизни общества. Обосновывается актуальность и необходимость просветительской агитации для реализации целей, связанных с развитием духовной сферы в стратегии развития нового Узбекистана.

Ключевые слова: просвещение, просвещённое общество, концепция, новый Узбекистан, материальное и духовное, объективное и субъективное, стратегия развития, агитация, просветительская агитация, сущность, природа, общество, человек.

Abstract: This article introduces the concept of "educational propaganda," which has not yet been incorporated into the scientific discourse of the field of spiritual studies. It discusses its definition, description, essence, and content, as well as its relationship with other types of propaganda and agitation, and its significance in social life. The relevance and necessity of educational propaganda for the realization of the goals related to the spiritual domain in the development strategy of the New Uzbekistan are also substantiated.

Key words: enlightenment, enlightened society, concept, New Uzbekistan, material and spiritual, objective and subjective, development strategy, propaganda, educational propaganda, essence, nature, society, human.

«Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» концепциясини амалга ошириш 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида 71-мақсад таркибига киритилган, ammo «маърифатли жамият» ўзи нима, у қандай амалга оширилади, унинг объектив ва субъектив омиллари, моддий ва маънавий шарт-шароитлари нималардан иборат, деган саволларга жавоб берилмаган.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» асарида ушбу масалага кенгроқ ўрин ажратган, «Маънавий тараққиёт» деб номланган бешинчи бўлимнинг «Маърифатли жамият сари» 5-бандида ушбу тушунчага чизгилар берилган. Айни пайтда «маърифатли жамият концепцияси»ни мукамал ва пухта тарзда яратиш кераклиги таъкидланган. Маърифий тарғибот эса, гарчи категория сифатида фалсафий луғат ва қомусларга ҳозирча киритилмаган бўлса-да, лекин «Маърифатли жамият» концепциясининг муҳим таркибий қисми бўлиши шубҳасиз. Қуйида маърифий тарғибот борасидаги фикрларимизни баён этамиз.

Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб, Президент ушбу марказнинг «Маънавият тарғиботчиси» ўқув муассасаси негизида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш таклифини билдирди. Эътибор берсак, «Маънавият тарғиботчиси» ўқув муассасаси мавжуд эди, бироқ «маънавий тарғибот» атамаси деярли қўлланилмас эди.

Бугун ҳаёт янгилаш ва ишлаш, миллий «ақл марказлари»мизни шакллантиришни талаб этмоқда. Президент афсус билан таъкидлаганидек, атрофимиздаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам. Бундай вазиятда жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу маънода, Маънавият ва маърифат, «Тараққиёт стратегияси», Исломи цивилизацияси марказлари, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлари ҳақиқий «ақл

марказлари»га айланиши кераклиги таъкидланди.

Маърифатли жамият қуриш борасидаги аждодларимизнинг асрий интилишларини рўёбга чиқариш учун таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш зарур.

Бу ўта долзарб ва мураккаб вазифани адо этишнинг муҳим омили – маърифий тарғиботдир. Биз ушбу тушунчага қуйидагича таъриф берамиз: **«маърифий тарғибот» - маънавий тарғибот-ташвиқотнинг муҳим таркибий бўлаги, ажралмас қисми бўлиб, аҳоли, айниқса ёшлар орасида табиий-илмий ва ижтимоий-гуманитар билимларни кенг ёйиш, маърифий жамият аъзоларининг билим савиясини ошириш, илмий-фалсафий дунёқарашини кенгайтиришга йўналтирилган таъсир воситасидир.**

Бир пайтлар амалда бўлган ва ўзини тажрибада батамом оқлаган "Билим" жамияти олиб борган кенг қўламли ишлар маърифий тарғиботга тарихий мисол бўла олади.

Аввало маърифатли жамият қуриш учун одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш зарур. Ва бунда мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, умуминсоний маданият марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган илмий-тарихий ва ижтимоий-фалсафий концепцияни самарали амалга ошириш лозим.

Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ўткир талаблари, муаммолари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қилиш учун аввало, илм ва маърифат зарур. Барчамизга, айниқса, раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-тоқат керак.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Маърифатли жамиятни барпо этишнинг долзарб масалаларига ҳозиржавоб бўлиш, бу борадаги ишларда масъулиятни доимо чуқур ҳис қилиб яшаш бугунги давр талаби бўлиб қолади".

Маърифий тарғиботнинг зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

биринчидан, энг катта, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчликка раҳна солиш,

турли халқлар ўртасида уруш оловини ёқиш, миллий ва диний зиддиятларни авж олдиришга уринаётган кучлар мавжуд. Бундай ёвуз кучларга қарши курашда, аввало, доимий хушёрлик ва огоҳлик, бутун халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айти пайтда, бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим;

иккинчидан, ислохотларнинг пировард – мақсади инсон манфаатларини таъминлаш, энг муҳим вазифамиз – тараққиёт стратегиясини рўёбга чиқарадиган янги шахсни вояга етказиш экан, бунинг учун маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим-тарбияни ривожлантириш, маърифатли жамиятни барпо этиш лозим. Ушбу вазифаларни амалга оширишнинг энг кучли воситаси – маърифий тарғиботдир;

учинчидан, миллий ўзликимизни сақлаб қолиш, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, имон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб қолиш, ҳам юксалтиришга қаратилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мақсадини амалга ошириш учун ҳам замонавий технологияларга таянадиган, инновацион ёндашувлардан фойдаланадиган маърифий тарғибот зарур;

тўртинчидан, "Янги Ўзбекистон – маърифатпарвар давлат", деган шиор юртимиз раҳбарияти томонидан майдонга ташланган, "Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият" концепцияси ва уни амалга ошириш миллий

дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган экан, унинг муваффақиятли адо этилиши ҳам кўп жиҳатдан самарали маърифий тарғиботга боғлиқ бўлиб қолаверди. Зотан, маърифатли жамиятни айнан шу турдаги кенг кўламли тарғибот ва таълим-тарбиясиз амалга ошириш мумкин эмас.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, маърифий тарғибот соҳасида қилиниши лозим бўлган ишларнинг кўлами жуда катта ва кирралари серобдир. Шунинг учун жуда қисқа муддатларда "Маърифий тарғибот" концепциясини ишлаб чиқиш, ушбу ҳужжат расмий органларда тасдиқдан ўтгач, унинг асосида иш режаси ва амалий дастур тайёрлаш зарур. Мана шундай назарий-ғоявий асос билан қуролланган маърифий тарғиботчилар жамоасини шакллантириш, ушбу хайрли ишга барча фан вакиллари, жамоат арбоблари, санъат ва маданият ходимлари, таълим-тарбия фидойиларини жалб этиш – муваффақиятга эришишнинг асосий калитидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт *стратегияси* тўғрисида. // 2022 йил 28 январь // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент, "Ўзбекистон", 2022. Б.288-292.
3. Кант. Ответ на вопрос: Что такое просвещение (1783). <https://iphras.ru/uplfile/philec/gou/kant.pdf>

